



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20~~20~~ yil « II » май

№ 277

Toshkent sh.

### **Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда чорвачилик ва паррандачиликни комплекс ривожлантиришда кенг кўламли ислоҳотлар ва давлат дастурлари, шунингдек, эпизоотик осойишталик ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалий тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, истеъмолчиларни хавфли ва сифатсиз маҳсулотларни истеъмол қилишдан ҳимоя қилишнинг етарли даражада самарали тизими яратилмаганилиги оқибатида қатор муаммолар, шу жумладан, республикада ҳайвонлар ва истеъмолчилар орасида юқумли касалликлар қўзғатувчиларининг тарқалиш хавфи юзага келмоқда.

Республика худудига ўта хавфли юқумли касалликларни қўзғатувчилар кириб келишининг олдини олиш ҳамда тарқалиши хавфини бартараф этишнинг хавфсиз муҳофазанинг самарали тизимини яратиш, шунингдек, давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни олиб кириш тартиб-таомилларини янада соддалаштириш ва такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

**1. 2021 йил 1 январдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки,** унга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси худудига давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни олиб киришга Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириладиган давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни ишлаб чиқарадиган, қайта ишлайдиган ва сақлайдиган экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахслар (хорижий экспорт қилувчилар) реестрига (кейинги ўринларда – Реестр) киритилган экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахсларга рухсат берилади;

давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни олиб киришга ветеринария рухсатномаси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йигим ундирилади;

ушбу тартиб фавқулодда вазиятларда, халқаро кўргазмаларда қатнашишда, лаборатория таҳлиллари учун намуналарда, шунингдек, дипломатик корпус, ўқув муассасалари, илмий ва давлат мақсадлари учун олиб келинадиган давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси уч ой муддатда Реестрни шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартағи 139-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КХТ, 2017 й., 11-сон, 166-модда) билан тасдиқланган Давлат ветеринария хизмати назоратидаги товарларни экспорт, импорт қилишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Т.Норқобилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “II” майдаги 277-сон қарорига  
илова

**Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартағи 139-сон  
қарори билан тасдиқланган Давлат ветеринария хизмати назоратидаги  
товарларни экспорт, импорт қилишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси  
худуди орқали транзит қилишга рухсатномалар бериш тартиби  
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

**1. Кўйидаги мазмундаги 44<sup>1</sup>-банд қўшилсин:**

“44<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси худудига давлат ветеринария хизмати  
назорати остидаги товарларни олиб киришга Ўзбекистон Республикаси худудига  
олиб кириладиган давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни  
ишлаб чиқарадиган, қайта ишлайдиган ва сақлайдиган экспорт қилувчи  
ташкилотлар ва шахслар (хорижий экспорт қилувчилар) реестрига киритилган  
экспорт қилувчи ташкилотлар ва шахсларга рухсат берилади.

Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни олиб киришга  
ветеринария рухсатномаси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари  
миқдорида йигим ундирилади. Йигим Ўзбекистон Республикаси Ветеринария  
ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳисобварағига ўтказилади.

Ветеринария рухсатномасини бериш рад этилган ёки товар эгаси берилган  
аризасидан воз кечган тақдирда, тўланган йигим суммаси қайтарилмайди.

Ушбу тартиб фавқулодда вазиятларда, халқаро кўргазмаларда  
қатнашишда, лаборатория таҳлиллари учун намуналарда, шунингдек,  
дипломатик корпус, ўкув муассасалари, илмий ва давлат мақсадлари учун  
олиб келинадиган давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларга  
нисбатан татбиқ этилмайди”.

**2. 56-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.**

